

ТАОМДАГИ АХЛОҚЛАРИ

18:42 / 28.04.2017 3990

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон бирингиз таом еса, Алоҳнинг исмини зикр қилсин. Агар аввалида Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унитиб қўйса, «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу» десин»**-дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлариниг олтига саҳобалари билан таом емоқда эдилар. Бир аъробий келиб, икки марта олиб ҳаммасини еб қўйди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аммо, у тасмия айтганида, ҳаммангизга етар эди»**, дедилар». Термизий ривоят қилган ва, саҳиҳ, деган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон бирингиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон бирингиз ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки, шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади»**, дедилар». Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон, ҳеч қандай таомни айбламадилар. Агар иштаҳалари тортса, ердилар. Кўнгиллари тусамаса, тарк қилар эдилар», деди». Учовлари ривоят қилган.

Абу Жухайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен ёнбошлаган ҳолимда емайман»**, дедилар». Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни орқаларини ерга текказиб чўнқайиб ўтириб хурмо тановул қилаётганларини кўрдим»**. Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб ичишдан қайтардилар. Шунда: «Ейишчи?» дейилди. «У яна ҳам ашаддйроқ», дедилар».

Термизий ва Муслим ривоят қилган Унинг лафзида: «У яна ҳам ёмонроқ ёки чиркинроқ», дейилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бирингиз таом еса, лаганнинг уст томонидан емасин. Лекин, паст томонидан есин. Чунки, барака**

унинг уст томонидан нозил бўлур», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган ва унинг лафзида: «Барака таомнинг ўртасидан нозил бўладир. Бас, уни атрофидан енг. Ўртасидан еманг», дейилган.

Амр ибн Умаяядан ривоят қилинади: «У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз қўлларидаги қўй курагини пичоқ билан кесиб еяётганларини кўрган экан. Бас, намозга чақирилди. У зот уни ҳам, пичоқни ҳам ташлаб, турдилар ва намоз ўқидилар. Таҳорат қилмадилар». Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учта бормоқлари билан ер эдилар ва қўлларини артишдан олдин ялар эдилар».**

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, шайтон сизларнинг ҳар бирингизнинг ҳар бир ишида ҳозир бўлади; таомига ҳам ҳозир бўлади. Қачон бирингиздан луқма тушса, ундаги нолейқ нарсани кетказиб, кейин есин. Уни шайтонга тарк қилмасин. Агар фориғ бўлса, бармоқларини яласин. Чунки, у таомининг қаерида барака бўлишини билмас», дедилар».**

Бошқа бир ривоятда: «У зот лаганни бармоқларимиз ила сидириб ялашга амр қилдилар ва: «Албатта, сизлар таомингизнинг қаерида барака бўлишини билмассиз, дедилар», дейилган. Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Сувайд ибн ан-Нуъмон розияллоҳу анҳу: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Хайбарга чиқдик. Саҳбоога етганимизда У зот таом чақирдилар. Фақатгина толқон келтирилди. Бас, едик. Сўнг у зот намозга тураётиб оғизларини яхшилаб чайдилар. Биз ҳам чайдик».** Бухорий ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон бирингиз таом еса, қўлини яламай ёки ялатмай туриб артмасин», дедилар».** Бешовларидан Фақат Термизий ривоят қилмаган.

Анас розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эскиб қолган хурмо келтирилди. Бас, у зот уни текшириб, қуртини чиқара бошладилар», деди». Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қачон кечки таом қўйилганда намозга иқомат айтилса, кечки таомдан бошланглар», дедилар».**

Бошқа ривоятда: «Қачон намозга иқомат айтилганда кечки таом ҳозир бўлса, кечки таомдан бошланглар», дейилган. Учовлари ривоят қилган.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу

алайҳи васаллам: **«Қачон бирингиз ичса, идиш ичига нафас олмасин», дедилар».**

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Туянинг ичишига ўхшаб бир мартада ичманглар. Икки марта, ич мартада ичинглар. Қачон сизлар ичсангиз, тасмия айтинг. Қачон ичиб битирсангиз, ҳамд айтинг», дедилар».** Термизий ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичдилар ва ундан оғизларини чайқадилар ҳамда: «Унинг мойи бор», дедилар». Бухорий ривоят қилган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон дастурхонлари йиғиштирилса: **«Аллоҳга кўп, пок, муборак ҳамд бўлсин. Ундан ўзга кифоячи йўқ. У тарк қилинган ҳам эмас. Ундан беҳожат ҳам бўлинмас. Роббимиз», дер эдилар».**

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Бухорийнинг ривоятида: **«Бизга кифоя қилган ва бизни қондирган, Ундан ўзга кифоячи йўқ ва инкор ҳам қилинмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дейилган.**

Муслим ва Термизийнинг ривоятида: **«Албатта, Аллоҳ бандасининг таомни еб унинг учун У зотга ҳамд айтмоғидан ва шаробни ичиб унинг учун у зотга ҳамд айтмоғидан рози бўлур», дейилган.**

Сунан соҳибларининг ривоятида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон ўз таомларидан фориф бўлсалар: **«Бизни таомлантирган, сероблантирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дер эдилар», дейилган.** Абу Довуд ва Насайнинг ривоятида: **«Қачон есалар ёки ичсалар: «Таомлантирган, сероблантирган, уни сингдирган ва унга чиқиш қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дер эдилар», дейилган.** Бир жамоа одамлар: «Эй, Аллоҳнинг Расули, биз еб тўймаймиз», дейишди. «Эҳтимол, тарқоқдирсизлар?» дедилар.

«Ҳа», дейишди.

«Таомнингизга тўпланиглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар. Шунда сизларга унда барака берилур», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган ва: «Бир маросимда бўлсанг, таом қўйилса, уй эгаси изн бермагунча ема», деган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Бир тикувчи одам таом тайёрлаб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни даъват қилди. Мен ҳам у зот билан бирга бордим. Бас, у арпа нон ва қуритилган гўштли, ошқвоқли шўрва қўйди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лаган атрофидаги ошқовоқни териб еяётганларини кўрдим. Ўша кундан буён ошқовоқни яхши кўраман».** Бешовлари

ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хўл хурмони тарра билан тановул қилаётганларини кўрдим»**. Тўртовлари ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қовунни хўл хурмо билан ер эдилар ва: **«Бунинг иссиғини манабунинг совуғи ила кесамиз, бунинг совуғини манабунинг иссиғи ила кесамиз»**, дер эдилар». Сунан эгалари ривоят қилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир бурда нонни олиб унинг устига бир дона хурмони қўйдилар ва: **«Бу, манабунинг хурушидир»**, дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Бусрнинг икки ўғли Суламийлар розияллоҳу анҳу молардан ривоят қилинади: **«Ҳузуримизга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар. Бас, биз у зотга сарёғ ва хурмо тақдим қилдик. У зот сарёғни ва хурмони яхши кўрар эдилар»**. Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудар ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аҳлларида хуруш сўрадилар. Улар: «Бизда сиркадан бошқа ҳеч нарса йўқ»-дедилар. Бас, у зот уни келтиришни сўрадилар ва ундан еб туриб: «Сирка қандоқ ҳам яхши хуруш! Сирка қандоқ ҳам яхши хуруш!» дедилар». Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени уйларига олиб бордилар ва: «Тушликка бирор нарса борми?» дедилар.**

«Ҳа», дейишди. Сўнг учта нон келтирилди.

Бас, у зот битта нонни олиб ўз олдиларига қўйдилар. Бошқасини олиб менинг олдимга қўйдилар. Учинчисини олиб, синдириб, яримини ўз олдиларига, яримини менинг олдимга қўйдилар. Сўнгра: «Хуруш борми?» дедилар.

«Йўқ. Фақат озгина сирка бор», дейишди. У зот:

«Уни келтиринглар. У қандоқ ҳам яхши хуруш!» дедилар». Муслим ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ширинлик ва асални яхши кўрар эдилар»**.

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.